

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 83 (4481).
13 АПРЕЛЬ 1981 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1
нолдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТНИНГ ОРГАНИ

«ПРАВДА»

САҲИФАЛАРИДА

● Эришилган ақдлашувга биноан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев шу йилнинг бешинчи Германия Федератив Республикасига боради.
● Ҳар икки томон учун мақбул бўлган визитинг аниқ муддатлари кўшимча равишда келишиб олинади.

● «Биринчи Майни қаршиқўш» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

● Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар, спорт хабарлари босилган.

Яшасин ленинчи Совет Итти-
фоқи Коммунистик партияси!
Партиянинг кучи—халқ билан
бирлигидадир! Халқнинг кучи-
партия билан бирлигида, партия-
нинг раҳбарлигидадир!

КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил 1 Май Ч А Қ И Р И Қ Л А Р И

1. Яшасин меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги халқаро бирдамлик кун — 1 Май!

2. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!
3. Яшасин мангу барҳаёт революцион инжирнационал таълимот — марксизм-ленинизм!
4. Яшасин ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Партиянинг кучи — халқ билан бирлигидадир!
Халқнинг кучи — партия билан бирлигида, партиянинг раҳбарлигидадир!

5. Владимир Ильич Лениннинг номи ва иши асрлар бўйи яшайверсин!

6. Совет Иттифоқи граждандари! Ленинчасига, коммунистчасига яшаш, ишлаш ва курашни ўрганингиз!

7. Коммунистлар! КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини бажариш учун умумхалқ курашида пешқадам бўлингиз!

Улуғ Ватанимиз янада қудратли, бадавлат ва кўркам бўлиб бораверсин!

8. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ўн биринчи беш йилликни Ватан манфаатлари йўлидаги зарбдор ташаббускор меҳнат билан нишонлайлик!

КПСС XXVI съезди қарорларини бажарамиз!
Ҳамма нарса инсоннинг бахт-саодати учун, ҳамма нарса инсон учун!

9. Коммунизм бинокори, тинчлик учун изчил кураши — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

10. Яшасин Советлар мамлакатининг қаҳрамон ишчилар синфи!

11. Яшасин шонли колхозчи деҳқонлар!
12. Яшасин совет халқ зиёлилари!

13. Яшасин ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг мустақам иттифоқи!

14. Яшасин Совет Иттифоқи барча миллатлари ва элатларининг қардошларча дўстлиги ҳамда мустақам бирлиги!

15. Яшасин СССР Конституцияси!
Яшасин социалистик демократия!

16. Яшасин халқ депутатлари Советлари!
Меҳнаткашларнинг давлат ва жамият ишларини идора қилишдаги иштироки кенгайверсин!

17. Яшасин коммунизм мактаби, жамиятимизнинг мўтабар кучи — совет касаба союzlари!

18. Ингит ва қизлар! Илм-фани, маданиятни, касб-маҳоратини сабот билан ўрганингиз!
Коммунизм учун оғли курашчилар бўлингиз!

Яшасин Ленин комсомоли!

19. Яшасин коммунизмнинг актив бинокорлари — совет хотин-қизлари!

Оналарга шон-шарафлар!
Бутун Ер юзининг болалари тинч ва бахтиёр бўлсин!

20. Совет жангчилари! Жанговар ва сиёсий тайёргарликини тақомиллаштирингиз!

Совет халқининг тинч меҳнатини, социализмнинг улуғ ғалабаларини сергак туриб пухта ҳимоя қилингиз!

Яшасин шавкатли СССР Қурулди Кучлари!

21. Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги мислсиз жасорати асрлар бўйи яшайверсин!

Ватанимиз шон-шавкати, озодлиги ва мустақиллиги йўлидаги курашда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар!

22. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ривожланган социализм имкониятларидан, ишлаб чиқариш ва фан-техника потенциалидан тўлиқроқ фойдаланингиз!

Моддий қийматларни камайтирингиз, фондларнинг самарадорлигини оширингиз!

Экономика тежамли бўлмоғи керак!

23. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Фан-техника тараққиётини жадаллаштирингиз, илгор тажрибани жорий этингиз!

Экономика интенсив ривожлантирилсин!

24. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Беш йиллик топшириқларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарингиз!

Тежамли ва сифатли ишлангиз!

25. Коммунистик қурилишнинг олдинги сафида бораётган Қизил байроқли коллективларга, беш йиллик гвардиячиларига шон-шарафлар!

26. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлигини, самарадорлигини ва сифатини оширингиз!

Оғли коммунистик интизомни мустақамлангиз, ижодий ташаббускорлик кўрсатингиз!

27. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Сибирь ва Узоқ Шарқнинг ишлаб чиқарувчи кучларини жадал ривожлантирингиз!

Байкам — Амур магистрали қурилиши суръатлари оширилсин!

28. Ғарбий Сибирь меҳнаткашлари! Табиий бойликлардан Ватан манфаатлари йўлида тезроқ ва самаралироқ фойдаланингиз!

Газ ва нефть қазиб чиқаришни кўпайтирингиз!

29. Оғир индустрия ходимлари! Ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини, маҳсулот сифатини оширингиз!

Халқ ҳўжалигининг хом ашё, ёқилғи, энергия, металлга бўлган талаб-эҳтиёжини тўлиқроқ қонди-рингиз!

30. Машинасозлар! Серунум, тежамли ва пишиқ-пухта машиналар, приборлар, механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари яратингиз!

31. Химия саноати ходимлари! Илгор технологияни жорий этингиз, халқ ҳўжалиги билан аҳолининг химия маҳсулотлари ва материалларга эҳтиёжини тўлиқроқ таъминлангиз!

32. Саноат ходимлари! Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз, сифатини яхшилангиз!

Халқ учун моллар ишлаб чиқаришга, маиший хизматни ривожлантиришга кун сайин эътибор берилсин!

33. Қурувчилар ва монтажчилар! Капитал маблағлар самарадорлигини оширингиз!

Тез, сифатли ва замонавий техника асосида қури-нгиз!

1981 йилнинг ишга туширилаётган объектлари қуриб битказилсин!

34. Транспорти ва алоқа ходимлари! Халқ ҳўжали-ги эҳтиёжларини пухта равишда таъминлангиз!

Илгор ва самарали иш формаларини жорий эти-нгиз!

Совет кишиларига хизмат қилиш маданиятини оширингиз!

35. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Қишлоқ ҳў-жалигини ҳар томонлама ва узлуксиз ривожланти-риш учун курашингиз! Уни индустриалаш ва химия-лашнинг, ерларни мелiorациялаш суръатини жадал-лаштирингиз!

РСФСР Ноқоратупроқ зонасини обод қилишнинг комплекс программасини активроқ амалга ошири-нгиз!

36. Колхозчилар ва совхозларнинг ходимлари! Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва марказла-штириш ривожлантирингиз!

Ердан, техникадан, ўғитлардан, ем-хашакдан сама-ралоқроқ фойдаланингиз!

Кўкламги дала ишлари аёло сифатли ўтказилсин! Мўл ҳосил етиштириб, Ватанини қувонтирайлик!

37. Қишлоқ ҳўжалиги меҳнаткашлари! Ғўшт, сут, тухум, жун ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтирингиз!

Чорвачилик — зарбдор фронт!

38. Савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат ходимлари! Меҳнат сифати ва маданиятини оширин-гиз!

гиз, аҳолининг талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қонди-рингиз!

39. Совет Иттифоқи граждандари! Жамоат бойли-гини эҳтиёт қилиб асрангиз, социалистик мулкни кў-пайтирингиз!

Мамлакат бойликларида оқилона фойдаланингиз, табиатни ардоқлаб асрангиз!

40. Халқ ҳўжалиги мутахассислари! Ихтирочилар ва рационализаторлар! Ишлаб чиқариш техникаси, технологиясини, уни идора қилишни тақомиллашти-рингиз!

41. Совет олимлари! Тадқиқотларининг самарадор-лигини оширингиз!

Ижодий фикр билан ижодий меҳнат иттифоқи мус-тақамланаверсин!

Совет фанига шон-шарафлар!

42. Давлат аппарати ходимлари! Иш услубини та-қомиллаштирингиз! Совет кишиларининг талаб ва эҳтиёжларига сезиларлиқ билан қарангиз!

43. Халқ назоратчилари! Интизомни мустақам-лаш, иқтисод ва тежамкорлик учун ғайрат билан курашингиз!

44. Идеология фронтининг ходимлари! Тарбиявий ишлар, ахборот ва пропаганда ишининг сифатини оширингиз!

Ҳар бир совет кишиси коммунистик ғоявийлик, турмушда актив позицияда туриш руҳида тарбия-лансин.

45. Адабиёт ва санъат арбоблари, маданият ход-имлари! Улуғ Ватанимизга муносиб асарлар яра-тингиз!

Совет санъатининг ғоявийлиги, партиявийлиги ва халқчилиги байроғини баланд кўтариб борингиз!

46. Халқ маорифи ходимлари! Ёш авлодга таълим, сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбия сифатини оши-рингиз!

47. Олий ўқув юртлари ва техникумларнинг ход-имлари! Ғоявий жиҳатдан чиққан, юқори мала-кали мутахассислар тайёрлангиз!

Илм-фани ривожлантирингиз, ишлаб чиқариш бил-ан алоқани мустақамлангиз!

48. Соғлиқни сақлаш ходимлари! Совет кишила-рининг сиҳат-саломатлиги тўрисида кун сайин ғам-хўрлик қилингиз! Ўз вақтида ва малакали медицина ёрдами берингиз!

49. Физкультурачилар ва спортчилар! Физкульту-ра ҳаракатининг оммавийлигини кўчайтирингиз!

Совет спортининг шухратини оширингиз!

50. Шонли ветеранлар! Ёшларнинг мураббийлари! Ёш авлоднинг Коммунистик партия билан совет халқ-ининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялангиз!

51. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари, ҳунар-техника билим юртларининг талабалари! Совет Ватанини астойдил севингиз!

Билимларни, меҳнат қўнқмаларини кунт билан ўрганингиз!

52. Яшасин Совет Иттифоқининг тинчликсевар ле-нинча ташқи сиёсати!

КПСС XXVI съезди таклиф этган ҳамда халқлар тинчлигини ва хавфсизлигини мустақамлашга қара-тилган ташаббуслар тўла-тўқис рўёбга чиқарилавер-син!

53. Коммунистик ва ишчи партияларга қардошлик саломи!

Халқ иши учун мардона курашчилар — комму-нистларга шон-шарафлар!

54. Бутун дунё коммунистларининг бирлиги ва жипслиги мустақамланаверсин!

Яшасин халқаро ишчилар синфининг синалган ва қудратли қурули — пролетар интернационализи!

55. Жаҳон социализми, халқаро пролетариат ва миллий озодлик ҳаракатининг энгилмас иттифоқи мустақамланаверсин!

56. Социалистик мамлакатларининг халқларига қар-дошлик саломи!

Яшасин социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари-нинг бирлиги ва жипслиги, уларнинг социализм ға-лабаларини ҳимоя қилишдаги метиндек азму қаро-ри!

57. Америка империализмининг кирдикорларига қатъият билан қаршилик қиладиган қаҳрамон Куба халқига қардошлик саломи!

58. Қаҳрамон Вьетнам халқига қардошлик саломи!

59. Мард Лаос халқига қардошлик саломи!

60. Мустақил, озод халқ Кампучиясини барпо эта-ётган Кампучия халқига қардошлик саломи!

61. Апрель революцияси ғалабаларини мардона ҳи-моя қиладиган афгон халқига қардошлик саломи!

62. Капиталистик мамлакатларининг ишчилар син-фига қардошлик саломи!

Монополияларнинг эксплуатациясига — ва зулмига қарши, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари учун, тинчлик, демократия учун курашчиларга шон-шарафлар!

63. Мустамлакачилик зулмидан халос бўлган халқ-ларга, миллий мустақиллик ва социал тараққиётни мустақамлаш йўлидаги курашчиларга қардошлик саломи!

64. Империализмга ва ирқчиликка қарши, озодлик ва мустақиллик учун курашаётган Африка халқлари-га оташин салом!

65. Лотин Америкасида империализмга ва реакция-га қарши, ўз мамлакатларининг демократик ривож-и учун курашаётган халқларга оташин салом!

66. Фашистлар ҳунтасига қарши фидокорона кура-шаётган Чили меҳнаткашларига, барча демократла-рига қардошлик саломи!

67. Озодлик, демократия ва социализм учун кура-шиб, фашизм зиндонларида азоб чекиб ётганларга қардошлик саломи!

Империализм ва реакция тутқунларига озодлик!

68. Исроил агрессиясига ва империализм зуравон-лигига қарши курашаётган араб халқларига оташин салом!

Совет — Араб дўстлиги мустақамланаверсин!

69. Европа мамлакатларининг халқлари! Ғарбий Европада Американинг янги ракета-ядро қуроли жой-лаштирилишига қарши курашингиз!

Европада тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик бўл-син!

70. Осиё мамлакатларининг халқлари! Тинчлик ва хавфсизлик учун, империализм билан гегемонизмнинг тил бириктиришига қарши, Осиёни ишонч ва ҳамкор-лик қўймасига айлантириш учун курашингиз!

71. Улуғ ҳинд халқига оташин салом!

Совет Иттифоқи билан Хиндистон ўртасидаги дўст-лик ва ҳамкорлик ривожланиб, мустақамланавер-син!

72. Жаҳон халқлари! Империализм, милитаризм ва реваншизмнинг агрессив кирдикорларига кескин зар-ба берингиз!

Тинчликни мустақамлаш, кескинликни юмша-тишни чуқурлаштирайлик, қуруланиш пойғасини жийовлайлик!

73. Жаҳон халқлари! Ядро қуроли ва бошқа тур-даги оммавий қирғин қурулари тақиқланиши учун изчиллик билан курашингиз!

Ядро урушига йўл йў!

74. Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

75. Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ТОШКЕНТНИНГ ИККИ МИНГ ЙИЛЛИГИГА ТАРАДДУД РАЙОН ЯНАДА КЎРКАМ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Компар-тияси Тошкент шаҳар-комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров расмийда Тош-кентнинг икки минг йиллигини байрам қи-лишга тайёргарлик бў-йича шаҳар ташкилий комитетининг янгилик-бўлиб ўтди. Унда ана-шун тарихий санага пойтахтнинг қўйиш-районида қандай тай-ёргарлик қўйиладиган-

«МЕВАЗОР»ДА ХАШАР

Пойтахтнинг С. ди маҳалла комитети-нинг раиси Аҳмад «Мевазор» маҳалласи-да ҳашар ўтказилди. — Шу куни, — дей-

лиги тинланди. Мажлисда сузга чи-қан район партия ко-митетининг биринчи секретари Б. Қ. Али-ев район меҳнатчилари ана шу байрамни юксак меҳнат кўрсат-кичлари, ишлаб чиқа-риладиган маҳсулотлар сифатини янада яхши-лаш, беш йиллик топ-шириқларини муддати-дан олдин бажариш билан қўтаб олишга

аҳд қилганликлари-ни таъкидлади. Районда уй-жой қурилиши жа-дал суръатлар билан олиб борилади. Шаҳар-комитетининг кўчалари-дан бири — Пушкин кўчасини замонавий кўп қаватли уйлар бе-сайди. Барча турар-жой массивлари, маг-истраллар ва майдо-ларда катта ҳажмда ободонлаштириш иш-лари олиб боришга

РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

Октябрь район пар-тия комитетининг пле-нуми бўлиб ўтди. Пле-нумда ташкилий маса-ла қўриб чиқилди. Х. Х. Тошхўжаев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан район партия ко-митетининг биринчи сек-ретари ва бюро аъзоси этиб О. С. Расулов сай-ланди.

Пленум ишда Ўзбеки-стон Компартияси Тошкент шаҳар ко-митетининг биринчи сек-ретари У. У. Умаров ва шаҳар партия комитети-нинг иккинчи секретари К. П. Дудин иштирок-этидилар.

МЕҲНАТ КИШИСИ ЭКРАНДА

Шу ҳафтада Тошкентда ўтадиган Ўзе-бистон кинематографияларининг V съезди ол-диндан турли тадбирлар ўтказилмоқда. Шулар-дан бири «Меҳнат кишиси экранда» деб атал-ган бадиий ва ҳужжатли кинофильмлар фе-стивалидир.

Фестиваль муносабати билан Ўзбекистон ССР Кинематографиялар союзи правлениеси-нинг секретари Қодир Мирмуҳамедов муҳи-бинизга қўйиладиганлари таърифи берди.

— Ўзбек кино уста-ларининг шу ҳафта-да ўтказиладиган на-вабдалаги аниқлани-ши аамалга оширмоқ-да-лар. Бундайроқ совет кишиларининг образ-ларини аниқ эттиришга бағишланган қатор тў-ралади. Картиналар берди. Кино индуст-риямиз жононани Ком-мунистик партиями-нинг XXV ва XXVI насаба союzlари Сове-

ти Кинематография-лар союзи билан ҳам-корликда «Меҳнат ки-шиси экранда» фести-валини ўтказмоқда. Фестиваль 10 апрел-дан 30 апрелгача рес-публикамиз барча кор-хоналарининг мадания-тил саройларида ўтқи-зилади.

Тошкентдаги тран-ктор заводининг ма-даният саройи гоят-да файзли бўлди. Бу ерга бир қатор ўзбек кино санъати устала-ри меҳмон бўлиб бо-ришди. Тошхўжаевлар СССР халқ артистла-ри Наби Раҳимов, Нўл-дош Аъзамов, Ўзе-бистон ССР халқ ар-

олиб борган ишлар ҳа-қида таърифи берди. Ўзбекистон кинема-тографиялар союзи ва трактор заводи коллек-тивни ўртасидаги ҳам-корлик шартномаси тантанали имзоланди. Шартномага биноан ижодий союз меҳнат аҳли коллективига ма-даният ва санъат иш-ларини йўлга қўйиш-да яқиндан ёрдам бе-ради.

Ишчи меҳнатини-ни улуғловчи бадиий ва ҳужжатли фильмлар қўриги қизқиш билан ўтмоқда. Уларда Ўзе-бистон киносини намуна-лари билан қардош ўл-каларда яратилган энг-яхши картиналар ҳам намоиш қилинмоқда.



ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИ — ХАЛҚ РЕЖАЛАРИ

• ПАРТИЯ ТУРМУШИ: СЪЕЗД ҒОЯЛАРИ—ОММАГА

Юксак активлик вазиятида

Партия XXVI съезди ўн биринчи беш йиллик ва 80-йилларда халқ ҳужалиғини янада ривожлантириш, совет кишилари фаровонлигини муттақил оширишнинг кенг ва ёрин программасини белгилаб берди. Пойтахтимизнинг барча меҳнат коллективлари съезд қарорлари ва ғояларини ҳар бир киши қалби ва онига синдириш учун катта ишлар қилинмоқда. Кўндалма ҳаётда қарорларни амалга оширишнинг етакчилари шу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида сузлаб беришди.

ИШЧАНЛИК ВА ТАШАББУС—АСОСИЙ МЕЗОН

Ш. АКБАРОВ, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номиди тикувчилик ишлаб чиқариш бirlашмаси партия комитетининг секретари.

«Коммунистик қурилишнинг катта ва хилма-хил вазифаларини ҳал этишда бошлангич партия ташкилотлари роли биринчи даражада аҳамиятга эгадир», деб таъкидлади ўртоқ Ш. И. Брехнев партиянинг XXVI съездида.

Съезд партия ташкилотлари олдига катта ва масъулиятли вазифаларни қўйди. Партия ишчанлик билан, ташаббус кўрсатиб ишлашга, ҳушас партиявий йўлни қатъият билан ўқатишга даъват этди. Бирлашмаси партия комитети съезд қарорларини меҳнат коллективлари ўртасида кенг пропанданда қилар ва тўшунтирар экан, ана шу талаб-

ларга муҳим эътиборни қаратилди. Ҳар бир меҳнат коллективда съезд қарорлари муҳоамаси қилинган ўтди. Уларда ўтган беш йилликда қилинган ишларга яна бир бор синчиклаб назар ташланди. Тўпланган тақриблар умумлаштирилди. Йўл қўйилган баъзи камчиликлар тилга олиб ўтилди. Муҳоамаларда съезд арасида ва съезд ишлатган қуларда авж олган ўзаро социалистик музоакани янада қучайтириш, бунда коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Масалан, 3-тикувчилик цехи биопластикда етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Шунинг айтиши керакики, ВАЗ таърибаси ва катор ташаббуслар мана шу ҳақда биринчи марта амалга ошган. Цех партия ташкилотли секретари Л. Лучинина, Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати Р. Тўйчиева съезд қарорлари муҳоамасида бағишлаб бирлашма бўйича ўтказилган йилгида барчанинг дилдаги гапларини айтишди. Чунончи, кенг истеъмол бў-

либ бораётган машгулотлари тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Район «Билим» жамияти лекторлари, сисий ахборотчилар ишчилар билан съезд мавзуларида қизғин суҳбатлар ўтказишди. Барча цехлардаги қизил бурчлар, сисий маориф кабинети, кубулоҳонада пропандистлар учун бой материаллар мавжуд. Бирлашмасининг съезд залда ҳар кун съезд қарорларини ўрганишга доир коллектив суҳбатлар уюштирилди.

ХАЛҚ БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

А. АБЕОСОВ, В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бirlашмаси партия комитети секретариининг идеология ишлари бўйича ўринбосари.

Ҳозир идеология активистлари олдига жуда муҳим вазифа қўйилди. «Партия маорифида унинг самардорлиги масаласи, чамаси, асосий масала бўлса керак» деган ўртоқ Л. И. Брехнев. Шу кунларда партия XXVI съезди қарорларини партия ўқувчи ва иқтисодий тартиб-ҳисобчиларида

чи беш йилликдаги вазифалари ҳақида материаллар тайёрланди. Бунда асосий эътибор КПСС XXVI съезди делегати Н. Мамонов синари машгулотларимиз бошлаб берган ташаббус — бир беш йилликда — икки беш йилликда бажаришдек социалистик мажбуриятларга қаратилмоқда. Чунки съезд саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг анча қучайтириш режасини белгилаб берган экан, бу широварида ҳар бир ишчи-хизматчининг иш учун ва сифатини янада оширишга кўнжалдан боғлиқдир.

Съезд материалларини ўрганишда семинарлар, суҳбат, амалий топшириқлар бериш ва буларнинг ҳаммасини коллективнинг беш йиллик вазифалари билан боғлаган ҳолда машгулотларнинг актив формаларидан кенг фойдаланишди. Тингловчилар «Эн биринчи беш йиллик режалари». «Ўзбекистон ўн биринчи беш йилликда» ҳамда коллективнинг меҳнат ютуқлари ҳақида кўргазмалар қўйилган таъйирида. 1, 2, 9, 14-ва бошқа бир қатор цехларда пропандист ва тингловчилар съезд қарорларини амалга ошириш юзасидан конкрет тақриблар киритдилар. Масалан 1-цех тингловчилари ишта бўлган муносабатли асосда талаблари асосида қурилиш ҳақида фикрлар билдиришди. Пропандистлар Ю. Кулаков, М. Соатов, О. Атурин ҳар бир машгулотни тингловчиларнинг шахсий ташаббусларини ривожлантиришга йўналтиришди.

Биз съезд қўйган юксак талаблардан қилиб чиқиб, бирлашма ишчилигини ўнбиринчи беш йилликда эришган ютуқлари ва ўн бирин-

чи беш йилликдаги вазифалари ҳақида материаллар тайёрланди. Бунда асосий эътибор КПСС XXVI съезди делегати Н. Мамонов синари машгулотларимиз бошлаб берган ташаббус — бир беш йилликда — икки беш йилликда бажаришдек социалистик мажбуриятларга қаратилмоқда. Чунки съезд саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг анча қучайтириш режасини белгилаб берган экан, бу широварида ҳар бир ишчи-хизматчининг иш учун ва сифатини янада оширишга кўнжалдан боғлиқдир.

Съезд материалларини ўрганишда семинарлар, суҳбат, амалий топшириқлар бериш ва буларнинг ҳаммасини коллективнинг беш йиллик вазифалари билан боғлаган ҳолда машгулотларнинг актив формаларидан кенг фойдаланишди. Тингловчилар «Эн биринчи беш йиллик режалари». «Ўзбекистон ўн биринчи беш йилликда» ҳамда коллективнинг меҳнат ютуқлари ҳақида кўргазмалар қўйилган таъйирида. 1, 2, 9, 14-ва бошқа бир қатор цехларда пропандист ва тингловчилар съезд қарорларини амалга ошириш юзасидан конкрет тақриблар киритдилар. Масалан 1-цех тингловчилари ишта бўлган муносабатли асосда талаблари асосида қурилиш ҳақида фикрлар билдиришди. Пропандистлар Ю. Кулаков, М. Соатов, О. Атурин ҳар бир машгулотни тингловчиларнинг шахсий ташаббусларини ривожлантиришга йўналтиришди.

• ҲАҚАТ СИФАТ БЕЛГИСИ БИЛАН

Комплекс системани жорий этиб

«Маҳсулот сифатига қўйилган талаблар даражаси бошқа бир ҳолатдир», — деган эди КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ш. И. Брехнев КПССнинг XXVI съездидаги ҳисобот докладыда — Бундай талаблар даражаси гоҳ юқори бўлиши керак деб ўйланган. Маҳсулот ва Батани-миздаги энг ахши маҳсулотларга мос келмаган бошқа ҳеч қандай кўрсаткич билан биз келишма олмаганимиз зарур. Эскирган, орқадан қолган, ҳаётнинг ўзи қадризи қилиб қўйган ҳамма нарсани қатъият улоқтириб ташлаб, ўзимизни ана шунга ўргатишимиз, ана шунга эришимиз лозим.

Дарҳақиқат, бу сўзларнинг заминда олам-олам маъно бор. Бугунги фаровон турмушимизда сифатли ва замонавий буюмларга нисбатан ахши-хашнинг ўсиб бораётганлиги табиийдир. Аҳолининг сифатли кенг истеъмол буюмларига бўлган ахши-хашнинг қондириш бундай буюмлар ишлаб чиқараётган корхона коллективларининг биринчи талаби вазифасидир. Зотан, ўн биринчи беш йилликда халқ истеъмол буюмларининг етарли бўлиши катта аҳамиятга эгадир.

Пойтахтдаги кўпгина саноат корхоналари илдан-илга давлат Сифат белгиси билан буюмлар ишлаб чиқ-

аришни қўпайтирмақда. Агар 1980 йилнинг охиригача республикада 1906 хил буюм фахрли беш йиллик белги билан таъйирилан бўлса, ана шу буюмларнинг 714 хили Тошкент шаҳри саноат корхоналари ҳисобига тўғри келади. Сифат йўлидаги излашларни илчил давом эттирган тошкентликлар съезддаги меҳнат вазифасида бу борада маълум ютуқларни қўлга киритдилар. Чунончи, шу йил январь-феврал ойларининг охирида Тошкентдаги 30 та корхона 103 хил буюмини давлат Сифат белгиси аттестацияга тақдим этди ва фахрли белги билан ишлаб чиқаришди. Бугунги кунда давлат Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқаришда «Ташсельмаш», «Таштекстильмаш», «Средаксельмаш» заводлари, «Подъемник», «Ўзбекхлопкомаш», «Средазелкостропарат» ишлаб чиқариш бirlашмалари, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, «Қизил тоғ» тикувчилик ишлаб чиқариш бirlашмаси байроқдорлик қилмоқда.

Хўш, давлат Сифат белгиси билан қўлаб маҳсулот ишлаб чиқаришга қандай эришилди? Бу маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системаси тўла жорий этиш асосида қўлга киритилмоқда. Ана шу самарали системани жорий этган шаҳардаги 70 га яқин корхона бу борада сезиларли ютуқларни қўлга киритмоқда.

Бугунги кунда фахрли беш йиллик белги билан Тошкент агрегат заводи умумий маҳсулот ҳажмининг 84,1 процент миқдорини, «Қизил тоғ» тикувчилик ишлаб чиқариш бirlашмаси 50,1 процент миқдорини, «Средаксельмаш» ишлаб чиқариш бirlашмаси эса 53,3 процент миқдорини маҳсулот реализация қилмоқда.

Лектин шунга қарамай, кўпгина саноат корхоналарида сифат кўрсаткичлари бўйича план-топшириқлари бажаришда қоляпти. Хўш, бунинг сабаби нимда? Мақур корхоналар маҳсулот сифатини ахшилаш асосини олиб бораётган ахши-хашларни тўла амалга оширмаётганлар, маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системасини жорий этишга эътибор бермаётганлар, корхонада Сифат қулиларини ўтказмаётганлар. Чунончи Ўзбекистон ССР Геология, министри, газ саноат министри корхоналарида маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ишлари жуда сустнашлик билан олиб боришмоқда. Янгида Ўзбекистон ССР стандартлар бошқармаси ортандарининг текширувларида Тошкент экскаватор заводи, Тошкент ўйинчоқлари фабрикаси, «Ўзоқбака» корхоналарида ишлаб чиқарилаётган айрим маҳсулот хиллари стандарт талабларига жавоб бермаётганлиги аниқланди. Натияжада бу корхона-

ларга иқтисодий жарима солинди. Бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин. Худди шунингдек маҳсулот кўрсаткичлари бўйича министрига қарашли хўжалик комбинатларида ҳам шундай ахволни кўриш мумкин.

«СССРнинг иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 — 1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларида» «Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳамма турлари Сифатни анча оширилсин, халқ ҳужалиғи ривож ва фан-техника тараққийнинг ҳозирги талабларига шунингдек аҳолининг олиб бораётган ахши-хашларига мувофиқ маҳсулот хиллари қўпайтирилсин ва яқилансин. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ялли ҳақидада олиқ Сифат категориясидаги маҳсулотнинг салмоғи муттасили қўпайтирилсин» дейилган.

Меҳнат коллективлари ана шу сўзларни ўзларига дастуриламал қилиб олиб, ўнбиринчи беш йилликда сифат учун кураш бобида қўлга киритилган таърибларини ўн биринчи беш йилликда кенг қўлламоқлари, халқ фаровонлигини оширишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқлари лозим.

Г. ВОХИДОВА, Ўзбекистон ССР Стандартлар бошқармаси ходими.



Коммунистик меҳнат зарбдори В. Аварянин Тошкентдаги «Техно» иллий ишлаб чиқариш бirlашмасининг зарбдор йиғувчи селаси. Бу ишчи мунтазам ўз топшириқларини ортиги билан адо этиб, ўз халқ меҳнати билан кўларга ўртак бўлмоқда. У кўлар қатори ўн биринчи беш йилликни муаддатдан илгари бажариш мажбуриятига имзо чеккан.

СУРАТДА: В. Аварянин, М. Нуридинов фотолари.

18 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

120 МИНГ СЎМЛИК

«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бirlашмаси коллективини шахримиздаги барча саноат корхоналари қатори 18 апрелда бўлаётган Бутуниттифок коммунистик шанбаглигида пухта таърирларлик кўрмоқда.

Шанбагликда корхонанинг 2200 ишчи ва хизматчиси қатнашди. Улар шу кун юксак унум билан ишлаб чиқариш меҳнатшайлиги учун зарур бўлган

ахтиёт қисмлар ва турли марказдаги қиллоқ хўжалик машиналари тайириб бериладилар. Шанбагликдан тушган 120 минг сўмлик фойда беш йиллик фондига ўтказилди. Бирлашманинг Ленин ордени кавалери Ж. Раҳимов синари пешқадим ишчилари оса шу кун ўзларининг унумли меҳнатлари билан ҳамкасбларига ўртак бўлашга аҳд қилишган.

«ГЛОБУС» МАКТАБИДА-ЛЕКТОРЛАР

Тошкентдаги комсомол комитети ҳузурида ташкил этилган «Глобус» лекторлик маҳорати мактабиди «КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга мавзунда машгулот бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг етакчи олимлари, олий ўқув юртиларининг ўқитувчилари, партия ва совет ходимлари тингловчилар ҳузурида сўзга чиқдилар. Мактабда олимлар, шаҳар ва район комсомол комитетлари ҳузуридаги лекторлик гуруҳларининг раҳбарлари, шунингдек лекторлар шугулламоқдалар.

«Глобус» програм-

Мукофот муборак!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ҒАРМОНИ «ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўнбиринчи беш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган муваффақиятлари учун мукофотлансин:

ОКТАБР РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН Набиес Тўлаған — «Главташкентстрой» бошлиғи.

МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Аъзамов Абдуғаффор — «Главташкентстрой» бошлиғининг ўринбосари. Гайнуллин Ринат Халқович — 159-қурилиш трести 9-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бригадир.

Эргашева Ҳузғул — «Промстройкомплект» бirlашмаси 1-ғочини қайта ишлаш заводининг станокчиси.

Леонов Борислав Владимирович — «Ташинстрой» трести 6-механизация бошқармасининг бошлиғи.

Мальков Александр Кириллович — 153-қурилиш трести 39-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бригадир.

Машинко Галина Григорьевна — 12-қурилиш трести 52-қурилиш бошқармаси бўёқчиларининг бригадир.

Овсинович Борис Иванович — Тошкент 1-уёсозлик комбинати 1-пардозлаш ишлари бошқармаси бўёқчиларининг бригадир.

Рустамов Эргаш Раҳимович — Тошкент 1-уёсозлик комбинатининг бошлиғи.

